IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341

VOL–2 ISSUE–1
https://wordlyknowledge.uz/
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

ЭСКИ ТЕРМИЗ

Халилова Мохигул Барон қизи

"Термиз" давлат музей - қўриқхонаси Этнография бўлим мудири

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўрта Осиёдаги иқтисодий ва маданий марказлардан бири қадимий Термиз хакида сўз боради. Термизнинг пайдо бўлиши этимологияси ҳамда тарихий, сиёсий, маданий ҳаётдаги аҳамияти ҳақида мухтасар сўз юритилади.*

Abstract: *This article deals with the ancient Khaki of Termiz, one of the economic and cultural centers of Central Asia. The etymology of the term and its importance in historical, political and cultural life are briefly discussed.*

Калит сўзлар: *Қалья, Тармиз, Окс, Юнон – Бақтрия, Шаҳристон,* “Тами”, “Дрмат” *археологик тадқиқотлар.*

Keywords: *Qala, Tarmiz, Oks, Greece - Bactria, Shahristan, "Tami", "Drmat" archaeological research.*

Ўрта осиёдаги антик ва ўрта асрларга оид энг кўҳна, сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларнинг бири – Термиз шахридир. Эски Термиз ҳаробалари ҳозирги Термиз шаҳридан 7 км шим.ғарбда, амударё соҳили бўйида жойлашган бўлиб, унинг майдони 500 гектардан ошиқ бўлган. Шахар қалья, шаҳристон ва шахар атрофи – атрофи работдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири махсус мудофаа иншоатлари билан ҳимоя этилган. Бундан ташқари работнинг атрофидаги анчагина майдон шаҳар таркибига кирган. Бу майдон ҳам маҳсус мудофаа девори билан ўраб олинган. Шахарнинг энг қадимий қисми Амударёнинг шундай сохилида бўлиб, қум ва тошдан таркиб топган табиий баландлик устига қурилган. Ҳозирги кунда бу жой қалья деб аталади. У тўртурчак шаклида бўлиб, 10 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Дастлаб ана шу қалья майдони шахарнинг асосини ташкил этган. Вақт ўтиши билан шахарнинг асосини ташкил этган. Вақт ўтиши билан шаҳар майдони кенгайиб, олдинги шаҳар қальага айланади. Бу ерда асосан ҳокимларнинг саройлари, ибодатхоналар ва маьмурий бинолар ўрин олган. Шахар ва қишлоқларнинг тепаликлар устида қурилиши маьлум аҳамиятга эга бўлган. Тепалик мазкур шахар учун табиий мудофаа иншоати бўлиб хизмат қилган ва унинг мудофаасини бир неча бор кучайтирган.шунинг учун ҳам қадимги шахар қурувчилари бунга жуда катта эътибор берганлар. Шахар учун муносиб жой танланиши мудофаани янада мустахкамлашда унинг дарё бўйида жойлашганлиги ҳам катта аҳамият касб этган.

Бугунги кунгача ушбу қальаларнинг айрим жойлари ҳатто 20 метрдан зиёддир. Демак таьбийки қадимда бундан ҳам юқори бўлганлиги аниқ. Бостириб келган ёвий жангчилар улкан қальани эгаллаш учун келганларида ваҳимага тушганлар ҳаттоки бир неча бор эгаллай олмай қайтиб кетганлар. Бугунги кунда Кўҳна Термиз ҳаробари узоқ ўтмишдан сўзлаётгандек улкан тепаликларга айланиб ястаниб ётибди. “Шахарнинг энг қадимий номи қандай бўлган деган савол ҳар бир шаҳар фуқоросини қизиқтирши таьбий. Қачондан бошлаб Термиз деган ном пайдо бўлган.” Қадимги арман манабаларида (IV-V асрлар) у “Дрмат” деб аталган.VII асрларга оид хитой манбаларида у “Тами” номи билан маьлумдир. XIV –оид хитой манбаларида “Талима” деб ҳам учрайди. IX-XI асрларга оид араб –форс манбаларида

шаҳарнинг кўпинча номи “Тармид”, “Тармиз” ва “Тирмиз” шаклида бўлган. Бу номларнинг барчаси бир шаҳарнинг турли даврларда ватурли манбаларда турлича номланишидир. XII асрда яшаган тарихчи Сомонтйнинг таъкидлашича “Тармиз” номи қадимдан мавжуд бўлган. Яқутнинг тузган луғатида таъкидлашича одамлар шаҳарнинг номини икки ҳил талаффуз қилишган, ҳусусан “Тармиз” ва “Тирмиз”деб ёзади. IX – XIII асрларда шаҳарда зарб қилинган тангаларда ҳам шаҳарнинг номи “Тармиз” деб қайд қилинган. Аниқ далиллар орқали шаҳарнинг номи IX асрдан шу ном билан атала бшланган. Қадимги тохаристонлик буддист тарғиботчиси Дхармамитра номи тарих зарварақларида учрайди. Унинг(Вахшу – Амударё) дарёси бўйида жойлашган Тармита шахридан эканлигини ҳисобга олсак Тармита шаҳри –сўзларининг Термиз шахри билан ўзаро боғлиқлигини кўрамиз.

Австриялик тарихчи олим Томашекнинг фикрига кўра бақтр сўзи “Taro maetho” дан олинган бўлиб, “дарёнинг нариги соҳилидаги манзилгоҳ” деган маънони англатади. Ушбу қараш тарихий ҳолисона фикр. Яна бир қараш борки бу қараш илмий жиҳатдан бироз узоқроқ (ривоятга кўра: Юнон – бақтрия подшоҳи Деметрий асос солган) боиси деметрий келгунга қадар бу шаҳар бўлмаган деган қараш тарихий жиҳатдан ҳатодир. Улкан тамаддунларни Деметрий келгунига қадар бу шаҳар ўз бошидан кечирган эди. Шундай қарашлардан бири X асрда яшаган араб тарихчиси Ат-Табарийдир унинг ёзишича Термиз шахрини Эрон шоҳи Кубод қурдирган. Ат-Табарийнинг бу маълумоти тарихий жиҳатдан хато эканлигини тарихнинг ўзи исботлади чунки Эрон шоҳи Куботнинг ҳукмронлик даври милодий 489 – 531 йилларга тўғри келади. Бу давргача қадимий Термиз бир неча асрлик тарихга эга эди. XV асрда яшаган тарихчи олим Ҳофизи Абрунинг ёзишича, Термизга Александр Македонский асос солган. Тарихчи олим В.Тарнинг Термиз тарихига оид, кўпгина манбаларни ўрганиб жумладан: юнон –рим тарихчиларнинг манбаларини ўрганиб таҳлил этгандан сўнгина , ”Окс бўйидаги Искандария” (Окс искандарияси) шаҳри Термиз ўрнида бўлган деган хулосага келади. Бу қараш ўз даври учун анчагина дадил ва ишонарли қараш эди. Чунки В. Тарнда Александр Македонский даврига оид Термиз тарихини ёритувчи археологик манба йўқ эди. Француз олими П.Бернар эса Окс бўйидаги Искандария шаҳрини Термиз ўрнида ёки Шимолий Афғонистондаги Кукча дарёсининг Амударё билан қўшилиш жойида жойлашган Ой – Ханум ҳаробалари ўрнида бўлиши мумкин деб фарақ қилади. Эски Термиз ҳаробаларида олиб борилгпн археологик изланишлар давомида қадимги Термизнинг қальасидан кўплаб сопол синиқлари ва ёрғичоқлар топилди. Бу топилмалар орқали Окс бўйидаги Искандария шаҳри Термиз ўрнида бўлган деган қараш ҳам нотўғри эмас. Аммо, бизнингча бу шаҳар ҳали том маънодаги шаҳар бўлмай, балки давлат аҳамиятга молик бўлган қўриқлаш учун қурилган қальа шаклида бўлган. Александр Македонский юришгача Термиз атрофида одамлар яшаганлигини яна бир исбот сифатида ҳозирги Термиз шаҳри ўрнида топилган манзилгоҳини келтириш мумкин. Бу манзилгоҳ ҳам мил.авв. биринчи минг йилликнинг ўрталарига тааллуқлидир. Александр Македонский ўлимидан кейин кўчманчи қабилалар босқини натижасида шаҳар анча вайрона аҳволга тушиб қолди. Мил.авв.III асрда ҳукмронлик қилган Салавкийлар шоҳи Антиох I шаҳарни қайта тиклаган ва шаҳарга ўз номини берган. Ўша даврда “Окс бўйидаги Антиохия” деб атала бошлаган. Ушбу тарихий асосда “Певтингер жадвали “ ва VII асрда яшаган Равенналик номаълум географнинг харитасида Антиохия – Тармита шаҳрини қайд этилгани тарихий битикларда сақланиб қолган. Антиохия –

Тармита шаҳрини қадимги дунё хариталарда қайд қилиниши бу шаҳарнинг анчагина йирик шаҳар эканлигидан далолат беради. Тармита Термиз шаҳрининг кейинги равнақи Юнон – Бақтрия даврига тўғри келади. Айни шу даврда Тармита Термиз том маънодаги шаҳарга айланади. Шаҳарнинг қалъа қисмида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ўз исботини топди. Топилмалар орасида Салавкийлар ва Юнон –Бақтрия подшоҳларининг тангалари кўплаб топиди. Қадимги арки – аълонинг кўриниши катта тепалик кўринишида бўлиб, Амударёнинг қирғоғида жойлашган қум-тош ва оҳак-гиль таркиб топган. Лойиҳаси бўйича тўғрибурчак шаклига эга бўлиб, шарқдан-ғарбга қараб чўзилган, умумий майдони 10 га (мудофа девори билан биргаликда 16 га) га тенг арки-аълонинг юқори қисмида 3 томондан яъни шимолий шарқий, ғарбий томонларининг девор ва бурчларнинг қолдиқлари қолган жанубий томондан эса Амударёнинг қирғоқ томони жойлашган. Худуднинг юқори қисми арки-аъло атрофи 13-18 асрлар ғиштларнинг бўлаклари эгаллаган. Жанубий қисмда эса Кушон даврига оид қизил ангоб берилган кулолчилик буюмлари кўплаб топилган Эски Термиз курилишида ишлатилган. 1973 йил август ойида Эски Термиз шахарчасида ўрганиш мақсадида шурф туширилган. Ёдгорликни даврлаштириш учун хеч қанақа устунлар мавжуд бўлмаган. Эски Термиз ёдгорлигининг мавжудлигини энг аввал М.Е.Массон шаҳарчадаги арки-аъло яқинидан топилган Юнон-Бақтрия ми тангаларига қараб аниқланган. Танга юзида Диодот хукмдорининг номи қайд этилган.(мил.ав.3 аср.) Ёдгорликда 11 та қатлам мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Самани. The kitab anAnsab of Abd al Karimibn Muhammad al sam’am with an intro duction by D.S.Margolionth.YMS.V.XX.Liyden London .1917, 105.
2. Makgucu ,BGA, N III, Liug Duni Batavorum, 1906,291.
3. Tomascher W. Centralasiatische studien.Sogdiana,Wien,1877. 8.91
4. Tabari , Lugduni Batovorum,11,p.147.
5. Bartold .V.V. Хафиз Абру и его сочинения T.VII,M..1973,74-97.
6. Beruard P. Diador XVII, 83.1. Alexandrie du cancase ou Alexandrie de Oxus?
7. Dournal des Savands, 1982,p.235-236.
8. Қадимий Термиз. Тошкент. “Фан” 2001. 1-12 бетлар